Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси коидаларига
8-ИЛОВА

**25.01.2022 даги**
**ООО SPACE MED ва Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё вилоят минтақавий филиали ўртасида 11997500,00 сўм умумий суммага тузилган 02-01 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 054

Шахсий ғазна ҳисобварақ 40132186024401707320105400

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4252410 | | | |
| Январь | 11 997 500,00 | | | 11 997 500,00 |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **11 997 500,00** | | | **11 997 500,00** |

Жами 11997500,00 сўм

Ўн бир миллион тўққиз юз тўқсон етти минг беш юз сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 3599250,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______ (имзо) Шералиев Афис Сабирович Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______ (имзо) Нишанов Гайрат Маматович Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Сирдарё вилояти Наркология диспансери

бош шифокори А.С.Шералиев

Сирдарё вилояти Наркология диспансерининг   дори дармон билан  таъминлаш нархини аниклаш бўйича танлов комиссиясининг

3- сонли йиғилиш Баённомаси

"25" январь   2022 йил

1.Ўзбекистон Республикасининг " **Давлат харидлари тўғрисида**"ги 2021 йил 22- апрелдаги **ЎРҚ - 684** сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2018 йил 26 майдаги **3016**-сонли рақами билан рўйхатга олинган  **"Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомга, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953 "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ги Қарорининг 18 банди Ўзбекистон Республикаси  Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқарув миллий агентлиги ҳамда соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 15.11.2019 йилдаги № 01/31-03-02-32/106 сон билан  тасдиқланган рўйхатга  асосан дори дармон воситаларини тугридан тугри шартномалар буйича харид килиш мумкунлигини инобатга олиб,** Сирдарё вилояти Наркология диспансери танлов  комиссиялари таркибида қуйидаги аъзолари катнашди.

**Танлов комиссияси раиси:**

Раис — А.С.Шералиев

Котиб — О.А.Юлдашев

Аъзо — Д.Р.Эргашов

Аъзо — Ғ.М.Нишанов

Аъзо — А.Х.Дадабоева

Аъзо — Ў.Х.Ботирова

**Таклиф этилди**

**"SPACE MTD МЧЖ"**

**КУН ТАРТИБИ**

Сирдарё вилояти Наркология диспансерининг  бюджет харажатлар сметасидаги маблағдан дори дармон бўйича хужжатларини тайёрлаш учун ташкилот ва фирмаларни  танлаб олиш.

Кун тартибидаги масала юзасидан  ДФХ раиси  О.Юлдашев йиғилганларга Сирдарё вилоят Наркология диспансерининг  бюджет харажатлар сметадаги маблағдан дори дармон   бўйича хужжатларни тайёрлаш учун қуйидаги параметрларни кўрсатиб ўтди.

| № | Махсулот номи | Тасдиқланган реестр рақами | "SPACE MED МЧЖ" | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Сумма |
| 1 | Кальция глюканад (Calcium gluconate) | 118 | уп | 30 | 8500 | 255000 |
| 2 | Цефтраксон пршк (Ceftriaxone) | 131 | фл | 275 | 5300 | 1457500 |
| 3 | Метронидазол (Metronidazole) | 181 | уп | 100 | 1700 | 170000 |
| 4 | Магния сульфат 25 % (Magnesium sulfate) | 79 | уп | 50 | 6300 | 315000 |
| 5 | Натиря хлорид  0,9% 250 мл (Sodium chlorid) | 111 | фл | 2300 | 4000 | 9200000 |
| | Аскорбиновая кислота 5 % (Ascorbic acid ) | 102 | уп | 100 | 6000 | 600000 |
| | **Жами** | | | | | 11997500 |

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тўғрисидаги Низом талабларидан келиб чиқиб комиссия қарор қилади.

1. **"SPACE MED МЧЖ"**   фирмасининг дори дармон махсулотларининг сифатлилиги ва нархининг арзонлиги сабабли,
**"SPACE MED МЧЖ"**   фирмаси билан шартнома тузиш максадга мувофик деб топилсин.
2. Ушбу қарор ижросини таъминлаш бош хисобчи Ғ.М.Нишановга   зиммасига юклатилсин.
3. Танлов савдоси натижаси комиссия аъзолари ва танлов катнашчиларига овоза килинади ва баённома тузилиши тўғри деб топилади

**Имзолар:**

**Танлов комиссияси раиси:**

Раис — А.С.Шералиев

Котиб — О.А.Юлдашев

Аъзо — Д.Р.Эргашев

Аъзо — Ғ.М.Нишанов

Аъзо — А.Х.Дадабоева

Аъзо — Ў.Х.Ботирова

**О Л Д И – С О Т Д И Ш А Р Т Н О М А С И № 02-01**

**Самарканд шахри** **«25» Январ 2022 йил**

**SPACE MED МЧЖ**, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Ж.Сайфуллаев номидан, бир томондан **ва Республика Ихтисослаштирилган Наркалогия Илмий-Амалий Тиббиёт Марказининг Сирдарё Вилоят Минтакавий Филиали**, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи рахбар ____________ номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вактида сифатли килиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (махсулотлар) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | ҚҚС | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Кальция глюконат р-р 10% 10мл №10 118 | упаковка | 30 | 8 500 | 0 | 255 000 |
| 2 | Цефтриаксон пршк для р-ра 1г №1 131 | флакон | 275 | 5 300 | 0 | 1 457 500 |
| 3 | Метронидазол таб. 250мг №10 181 | упаковка | 100 | 1 700 | 0 | 170 000 |
| 4 | Магния сульфат р-р 25% 5мл №10 79 | упаковка | 50 | 6 300 | 0 | 315 000 |
| 5 | Натрия хлорид р-р 0,9% 250мл №1 111 | флакон | 2 300 | 4 000 | 0 | 9 200 000 |
| 6 | Аскорбиновая кислота р-р 5% 2мл №10 162 | упаковка | 100 | 6 000 | 0 | 600 000 |
| | **ЖАМИ** | | | | **0** | **11 997 500** |
| | | | | | | |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **11 997 000** (**Ун бир миллион туккиз юз туксон етти минг беш юз**) сўмни ташкил килади

**1.3.** Шартномада Кушимча Киймат Солиги (**ҚҚС**) мавжуд эмас.

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бошкармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида конунчиликка мувофик, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% маблагни товарни олгандан сўнг 20 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб ___ банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни кабул килишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошка ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофик, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартараф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни кабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;
- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чикишга йўл кўйган холларда Буюртмачининг талаби бўйича ____- кун муддат ичида барча аникланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган такдирда шартнома бажарилган хисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз микдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташкари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини такдим этган холда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар киймати тўланишини талаб килишга хаклидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка шаклларида товарлар хакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини такдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни такдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиклиги;

- шартнома шартларининг бошка бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар хаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга хаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси кўйилмаган ёки лозим даражада маркировка килинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Товарлар кабул килингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган холларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташкари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи хисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб килишга хаклидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва бахсларни хал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат килишга хаклидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат килган такдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чикилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги холатлари келиб чикса ва бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) холатларининг мавжудлигини тасдиклаш механизмини киритиш тўгрисида"ги карорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни кисман ёки тўлик бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бошкармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал килади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошка томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**Етказиб берувчи**

***Ташкилот номи:*** **SPACE MED МЧЖ**

Манзил: Самарканд ш Али Кушчи 19 уй 32 хона

Тел.: 93-330-19-94

Х/Р 20208000305102882001
Банк номи: ЧЭКИ АТ "Савдогарбанк" Улугбек филиали

СТИР коди: 306560408

МФО : 00304

**Рахбар (директор): Ж.Сайфуллаев** ________
**М.Ў.** (имзо)

**Буюртмачи**

**Ташкилот номи: Республика Ихтисослаштирилган Наркалогия Илмий-Амалий Тиббиёт Марказининг Сирдарё Вилоят Минтакавий Филиали**

**Манзил:** Гулистон ш. Ибн Сино 20.
**Тел.:** 227 24 56
Факс:
СТИР коди: 200522504
ОКОНХ: 91513 МФО : 00014
Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобвараги:
шхр 4013211860244017075201054004
Ғазначилик бўлинмаси номи:
Сир вил бўйича Ғазначилик бошқ-маси
Ягона Ғазначилик ҳисобвараклари (ЯҒХ):
23402000300100001010
Банк номи: Марказий банк Тошкент шахар Б.Б ХККМ
МФО : 00014
Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919

**Рахбар (директор):** Р. С. Исломов ________
**М.Ў.** **(имзо)**

**Ҳуқуқшунос** ________________________
**Лицензия (диплом)** ____________________
**берилган санаси:**_______________________
**«____» _________ 2021 й**

юрист: Ботиров А.

**Ҳуқуқшунос** ________________________
**Лицензия (диплом)** ____________________
**берилган санаси:**_______________________
**«____» ________ 2021 й**

Республика Ихтисослаштирилган Наркалогия
Илмий-Амалий Тиббиёт Марказининг
Сирдарё Вилоят Минтакавий Филиали
Бош врачи ____________________ га
SPACE MED МЧЖ томонидан

## ХАРИД УЧУН ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

**SPACE MED МЧЖ** дори-дармон билан таъминлаш мақсадида ўтказиладиган танловда иштрок этиш учун танлов комиссиясига қуйидаги дори-дармон воситалари бўйича ўз таклифимизни маълум қиламиз:

| № | Товарларнинг тури | Ўлчов бирлиги | Ҳажми | Нархи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Кальция глюконат р-р 10% 10мл №10 | упаковка | 1 | 8 500 |
| 2 | Цефтриаксон пршк для р-ра 1г №1 | флакон | 1 | 5 300 |
| 3 | Метронидазол таб. 250мг №10 | упаковка | 1 | 1 700 |
| 4 | Магния сульфат р-р 25% 5мл №10 | упаковка | 1 | 6 300 |
| 5 | Натрия хлорид р-р 0,9% 250мл №1 | флакон | 1 | 4 000 |
| 6 | Аскорбиновая кислота р-р 5% 2мл №10 | упаковка | 1 | 6 000 |

Таклиф этилаётган дори-дармон воситалари сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, етказиб бериш ва зурур бўлганда уларни бюджет ташкилоти томонидан олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолатланади

Ташкилот раҳбари: ____________ (имзо) ____________ (Ф.И.Ш.)

**Юридик хизмат ходими аттестациядан ўтганлиги тўғрисида**

# ГУВОҲНОМА

**ЮК № 006581**

Ушбу билан **БОТИРОВ АКБАР ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ**
(юридик хизмат ходимининг фамилияси, исми ва отасининг исми)

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси да
(аттестацияни ўтказган адлия органининг номи)

аттестациядан ўтганлиги тасдиқланади ва у давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматида ишлаши мумкин.

*Гувоҳнома* **2024 йил 17 ноябр** *гача амал қилади.*
(йил, кун ва ой)

М. Ў. *Аттестация комиссияси раиси:* (имзо) ...Нуритдинов
(фамилияси, исми ва отасининг исми)

SIRDARYO VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI

2254276

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SPACE MED" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SPACE MED" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

05.07.2019 740792 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy, yil bilan)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306560408

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Samarqand viloyati, Samarqand shahri, A.Qushchi ko'chasi, 19-uy, 32-xona,

Guvohnoma: Samarqand viloyati, Samarqand shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

my.gov.uz
Ягона Интерактив Давлат Хизматлари Портали

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

№ 7751-125d-8a00-a405-0f59-9825-3898
Ҳужжат яратилинган сана: 2019-09-24

Ҳужжат берилган: ООО "SPACE MED"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 306560408

Серия: - №: -

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

## Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15452 - сонли ЛИЦЕНЗИЯ

Ушбу лицензия "SPACE MED" масъулияти чекланган жамиятига тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

**Жойлашган жойи (почта манзили):** Самарқанд шаҳар, Али Қушчи кўчаси, 19 уй, 32 хонадон.

**Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):** 306560408

**Лицензия берилган сана:** 20-09-2019 йил

**Амал қилиш муддати:** 20-09-2024 йил

**Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:** 14032-19

**Ваколатли шахс:** С.Кариев

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

9781

https://repository.gov.uz/file/get-document/7751-125d-8a00-a405-0f59-9825-3898